

Қарзини тўлашга қурби етмаганида айтиладиган дуо



09:42 / 27.05.2025 1437

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир қул озод бўлиш учун шартлашилган баҳодаги маблағни тополмай қолган киши ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб, мен шартлашилган баҳодаги маблағни топа олмаяпман, менга ёрдам беринг? деганида, у киши: «Сенга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатган калималарни ўргатайми? Агар

كَاوَسُوْا سَمْعَكَ لِمَنْ عَاوَزَكَ مِنْ اَوْكَاْمِ اَرْحَنَعَكَ لِحَبِيْنِ فَكَاْمُهَلَلَا

«Аллоҳумма икфиний биҳалалика ёан ҳаромика ва ағниний бифазлика ёамман сивака» дуосини ўқиб юрсанг, қарзинг тоғнинг бир тарафича бўлса ҳам, халос бўласан», дедилар.

Маъноси: Эй Раббим, ҳаром (аралаштирмай) ҳалолнинг билан менга кифоя эт. Фазлинг ила ўзингдан бошқалардан беҳожат қил.

Имом Термизий ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.